**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Каттақўрғон шаҳар ҳокими**

**_________Г.Алимова**
“15” *июл 2025 йил*

DEVONXONA
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI KATTAQO'RG'ON SHAHAR HOKIMLIGI

**Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2025 йил 2-ярим йилликка мўлжалланган**
**ИШ РЕЖАСИ**

| № | Комплексга кирувчи ташкилотлар номи | Амалга ошириладиган тадбирлар | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **Каттақўрғон шаҳар** ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – И.Маматов комплекси бўйича | | | | |
| **1.** | **Иқтисодиёт ва молия бўлими** | Шаҳарнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари (*саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, чакана савдо, хизмат)* прогноз параметрларини ойлик ва чораклик таҳлил қилиш, натижалари бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.<br><br>Бунда, **январ-декабр** ойларида:<br><br>*-Саноат-1076,7 млрд.сўм (108,9 %)га;*<br><br>*-Қишлоқ хўжалиги-286,6 млрд.сўм (103,2%) га;*<br><br>*-Жами хизматлар-1144,1 млрд.сўм (115,5%) га;*<br><br>*-Қурилиш-357,8 млрд.сўм (110,4 %) га.*<br><br>2025 йил давомида амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширилишини доимий назоратга олиш ва тегишли чора-тадбирлар кўриш. | Ҳар ойда<br><br>Узлуксиз ҳар чоракда | А.Шодиев –Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари,<br><br>М.Мўминов – Шаҳар Статистика бўлими бошлиғи,<br><br>Ф.Ғаниев – Шаҳар Солиқ инспекцияси бошлиғи,<br><br>Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи в.в.б М.Равшанов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарор ижроси доирасида жойларда хизматлар ва сервисни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора–тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш. | Доимий | шаҳардаги барча тижорат банк бошқарувчилари |
| | | Шаҳарда фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субьектлари фаолиятини қайта тиклаш ёки уни тегишли тартибда тушатиш бўйича худудий ишчи гуруҳи билан амалий ишларни олиб боришни ташкил эьтиш. | Йил давомида | |
| | | Шаҳарда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сонини ошириш. | Июл-декабр | |
| | | Экспорт фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш. | Июл-декабр | |
| | | Иқтисодиёт реал секторининг экспорт қилинадиган махсулотлари географияси, турлари ва номенклатурасини кенгайтиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш. | Июл-декабр | |
| | | Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва ташқи бозорларда узоқ муддатли тенденцияларни таҳлил қилишдан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиёт реал секторларининг экспорт салохиятини ривожлантириш бўйича экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналар ташкил этишга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Июл-декабр | |
| | | Ҳудудий корхоналарнинг экспорт қилинадиган | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | махсулотлари географияси, турлари ва номенклатурасини кенгайтиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.<br><br>Жойларга чиқиб, ҳудудий экспортнинг прогноз параметрларининг қуйидагилар орқали бажарилишини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриш: экспорит қилувчиларнинг муаммоли масалаларини хал этишга кўмаклашиш, ишлаб чиқариш корхоналарини хатловдан ўтказиш ва экспорт фаолиятига янги тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш. | Июл-декабр<br><br>Июл-декабр | |
| 2. | **Давлат солиқ инспекцияси** | 2025 йил учун Маҳаллий бюджет прогноз параметрлари, шунингдек солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар хисоби ва тушуми режадан ортиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаган ҳолда солиқларнинг турлари, хўжалик субъектлари бўйича бюджетга солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар тушушининг прогноз параметрлари сифатли бажарилиши ҳолатини таҳлил қилиш.<br><br>2025 йил учун белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогноз параметрлари доирасида инфляция даражасини сақлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг, шунингдек умуман маҳаллий Давлат бюджети прогноз параметрларининг бажарилиши ҳолатини таҳлил қилиб бориш.<br><br>Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича ҳудудий комиссиялари томонидан ҳудудларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи | Ҳар куни<br><br>Ҳар ҳафтада икки маротаба<br><br>Ҳар ой якуни билан | Ф.Ғаниев – Шаҳар Солиқ инспекцияси бошлиғи,<br><br>А.Шодиев – Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари,<br><br>М.Очилов – Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Самарқанд вилоят бошқармаси Каттақўрғон шаҳар филиали бошлиғи,<br><br>шаҳардаги барча тижорат банк бошқарувчилари,<br><br>Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | юзасидан таҳлил қилиб бориш.<br><br>2-ярим йилликда янги ташкил этиладиган **70 та** юридик ҳамда **100 та** ЯТТ ларни ҳисобини юритиш, яшовчанлик даврини узайтириш чораларини кўриб бориш.<br><br>**91 та** норасмий иш ўринларини легаллаштириш ҳамда ПҚ-4742-сон қарор асосида **1381 та** фуқароларни ўзини-ўзи банд қилиш орқали бандлик даражасини ошириш чораларини кўриш.<br><br>Жорий йилда К-савдо АТТ онлайн платформаси орқали **7 та** ерларни аукционга чиқариш орқали худудда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш чораларини кўриш.<br>Ички бозорни ҳимоя қилишга *(шу жумладан, контрабанда ва контрафакт товарлар олиб кирилишининг олдини олишга)* қаратилган божхона-тариф сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш. | Июл-декабр<br><br>Июл-декабр<br><br>Июл-декабр<br><br>Июл-декабр | бўлими бошлиғи в.в.б М.Равшанов<br><br>Сектор раҳбарлари,<br><br>тегишли ташкилотлар раҳбарлари |
| 3. | **Шаҳар Иқтисодиёт ва молия бўлими** | 2025 йилда маҳаллий бюджет прогноз параметрларини бажарилиш ҳолатини таҳлил этиш, кунлик, ҳафталик маълумотларни шаҳар ҳокимига тақдим этиш.<br><br>Шаҳар маҳаллий бюджетнинг даромадлар базасини кўпайтириш ҳамда солиқ солинадиган базани кенгайтирган ҳолда бюджет даромадларининг шакллантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги ПФ-5499-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 445-сонли “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш.<br><br>Бунда, айниқса шаҳарда ноқонуний фаолият олиб | Ҳар ойнинг биринчи ва охирги ўн кунлигида<br><br>Июл-декабр<br><br>Доимий, | А.Шодиев – Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари,<br><br>Ф.Ғаниев – Шаҳар Солиқ инспекцияси бошлиғи,<br><br>О.Хайдаров – Шаҳар Ғазначилик бўлими бошлиғи, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | бораётган юк ташиш ва йўналишсиз таксилар фаолиятини қонунийлаштириш, аҳоли хонадонларида ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлларини рўйхатдан ўтказилишига алоҳида эътибор қаратиш.<br><br>2025 йил 1 июл ҳолатидаги эркин қолдиқ маблағлари ҳамда чораклар якуни билан даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми ҳисобидан шаклланган маблағларни худудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда сиёсий-ижтимоий тадбирларни кўтаринки руҳда ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун йўналтиришни алоҳида назоратга олиш ва ҳисобини шаҳар ҳокимига доимий етказиб бориш.<br><br>**“Ташаббусли бюджет”** дастури доирасида амалга оширилаётган ижтимоий ҳамда инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда ушбу лойиҳаларни ўз муддатларида ишга туширилишини таъминлаш чораларини кўриб бориш. | натижаси бўйича хар чорак якуни билан<br><br>Июл-декабр<br><br>Июл-декабр | М.Равшанов- шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи в.в.б<br><br>Тегишли ташкилотлар раҳбарлари |
| **4.** | **Ҳududдаги тижорат банклари** | Пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, чакана савдо қоидаларига риоя қилиш ва назорат-касса машиналарини, хисоб-китоб терминалларини қўллаш устидан назорат қилиш, шунингдек накд пул тушумлари банкларнинг кассаларига тушишини кўпайтиришни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини таҳлил қилиш.<br><br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 августдаги 655 сонли “Кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиявий ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва кам таъминланган оилаларга микромолиявий хизматлар кўрсатишни назарда тутадиган лойиҳаларни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш. | Июл-декабр<br><br>Июл-декабр<br><br>Июл-декабр<br><br>Ҳар ҳафтанинг чоршанба-жума | М.Равшанов-шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи в.в.б<br><br>Х.Зиёдуллаев – АТ “Халқ” банк Каттақўрғон шаҳар филиали бошқарувчиси,<br><br>Х.Шарипов– “Микрокредитбанк” Каттақўрғон БХО бошқарувчиси,<br><br>О.Давронов –“Қишлоқ |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб қувватлаш” комплекс дастурини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги 2024 йил 7 сентябрдаги ПҚ-312-сонли қарорига асосан, худуддаги ҳар бир маҳалда тадбиркорлар билан сўров ўтказиб, уларга имтиёзли кредит ажратиш чораларини кўриш.<br><br>2025 йилда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манзилли дастурлари *(саноат, хизмат кўрсати, қишлоқ хўжалиги)* доирасида ажратилиши режалаштирилган имтиёзли банк кредитларини ишлаб чиқилган тармоқ жадвалига асосан белгиланган муддатларда ажратилишини таъминлаш.<br><br>Тижорат банклари томонидан ажратилган ва қайтарилишида муаммо ҳосил бўлаётган лойиҳа эгалари билан алоҳида ишлаш орқали муаммоли кредитлар хажмини кескин камайтириш чораларини кўриш. | кунлари<br><br>Ҳар ҳафтанинг сешанба куни | қурилиш банк” БХО бошқарувчиси,<br><br>Тегишли ташкилотлар |
| **5.** | **Бозор ва савдо комплекслари** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 мартдаги ПҚ-1326-сонли «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг бажарилишини таҳлил қилиш.<br><br>Байрамлар арафасида ташкил этиладиган “озиқ-овқат ярмарка”ларини сифатли ҳамда тартибли ташкил этиш чораларини кўриш.<br><br>Бозор ва савдо комплексларида нарх-навони кескин ошиб кетишни олдини олиш, сотувчи ва хиридорларга | Ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари<br><br>Июл-декабр | Ф.Ғаниев – Шаҳар Солиқ инспекцияси бошлиғи,<br><br>А.Шодиев – шаҳар Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари,<br><br>Ғ.Яшузаков-шаҳар Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти шаҳар бўлими бошлиғи,<br><br>Ғ.Зоиров-“Деҳқон” МЧЖ раиси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | қулай шарт-шароитлар яратиш чораларини кўриб бориш.<br>Самарқанд вилоят ҳокимининг 2022 йил 16 февралдаги 74-7-0-Q/22-сонли "Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда ижара тўлови ҳамда бир марталик патта тўловларини ундириш чораларини кўриб бориш. | Июл-декабр<br><br>Июл-декабр | Тегишли ташкилотлар раҳбарлари |
| 6. | **Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси** | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги ПҚ-2826 сонли "Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш. | Июл-декабр | Б.Хайдаров – шаҳар Пенсия жамғармаси раҳбари,<br><br>Х.Зиядуллаев – АТ Халқ банки Каттақўрғон шаҳар филилали бошқарувчиси,<br>Тегишли ташкилотлар раҳбарлари |
| 7. | **Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими** | Жорий йилда янги иш ўринларини ташкил этиш доимий, вақтинчалик ва мавсумий ишларда банд қилиш худудий дастури доирасида барча йўналишларда **2259 та** янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.<br>Бунда,<br>*-1-секторда-756 та,*<br>*-2-секторда 559 та,*<br>*-3-секторда 260 та,*<br>*-4-секторда 684 та.*<br>**Дастур доирасида:**<br>*-доимий 1149 та,*<br>*-мавсумий 1043 та,*<br>*-легаллаштириш ҳисобига 67 та,*<br>Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг худудий органлари раҳбарларининг шахсий маъсулиятини ошириш борасида худудий | Ҳар чоракда<br><br>Белгиланган режа-графикка асосан<br><br>Июл-декабр | М.Равшанов- шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи в.в.б<br><br>Ф.Ғаниев – Шаҳар Солиқ инспекцияси бошлиғи,<br><br>Шаҳардаги барча тижорат банк бошқарувчилари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | бандлик дастури параметрлари бажарилиши бўйича бахолаш натижаларини таҳлили.<br><br>Меҳнат ресурслари балансини юритиш. Бунда, жами меҳнат ресурслари, банд аҳоли, ишсизлик даражаси ҳамда миграция балансини юриш.<br><br>2025 йилги режаларга мувофиқ хар ойда камида бир маротаба ҳududдаги корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан билан ҳамкорликда мавжуд бўш иш ўринлари орқали “Янги иш ўринлари ярмаркалари”га қатнашиш натижасида ишсиз фуқароларни иш жойларига жалб этиш чораларини кўриш.<br><br>Ҳудуддаги корхона, ташкилот, муассаса ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан узвий алоқани таъминлаш орқали улардаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳамда янгитдан яратилган иш ўринларига Бандлик марказига иш сўраб мурожаат қилган фуқароларга тавсия этиш орқали уларни бандлигини таъминлаш.<br><br>Белгиланган тартиб асосида ноқонуний мехнат фаолияти олиб борилаётган объектларда ишчи-ходимларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича мониторинглар ташкил этиш хамда ноқонуний мехнат фаолиятига бархам бериш ишларини амалга ошириш. | Ҳар ойда бир маротаба<br><br>Июл-декабр<br><br>Июл-декабр<br><br>Июл-декабр | |
| 8. | **Статистика бўлими** | Шаҳарнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати, йиллик кўрсаткичлар бажарилиши, асосий иқтисодий кўрсакичлар таҳлиллари аниқ, пухта ва сифатли бўлиши юзасидан тегишли саъй ҳаракатларни амалга ошириш.<br><br>Чораклик саноат, хизмат, қурилиш, қишлоқ | Хар чорак якуни билан | А.Шодиев–шаҳар Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари,<br><br>М.Мўминов–Шаҳар Статистика бўлими бошлиғи, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | хўжалиги ва бошқа асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлилини олиб бориш мақсадида таъсис этилган **4-КБ чораклик** танланма кузатув статистик ҳисоботларини белгиланган муддатларда мониторинги олинган корхоналар томонидан топширилиб боришини назоратга олиш орқали иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилини юритиш чораларини кўриш. | Ҳар чорак якуни билан | М.Равшанов- шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи в.в.б, тегишли ташкилот раҳбарлари |
| **9.** | **Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази** | Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази томонидан ташкил этилган “Тадбиркорлик асослари” курсларига ўқиш истагида бўлган фуқароларни жалб қилиш ва ўқув семинар-тренинглар ташкил этиш.<br>Ўқув курсларини мувофақиятли тамомлаган фуқароларга тегишли сертификатлар тақдим этиш орқали янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳамда уларга банк кредити олишда, тадбиркорлик кўникламаларини ҳосил қилишда яқинлан кўмаклалиш чораларини кўриш.<br>Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлоик субъектларига ҳар томонлама кўмак бериш орқали улар фаолиятини тиклаш чораларини кўриш.<br>Ижтимоий дафтарларда турган фуқароларни тадбиркорликка ўқитиш орқали уларни тадбиркорликкка жалб этиш чораларини кўриш. | Июл-декабр<br>Июл-декабр<br>Июл-декабр<br>Июл-декабр | С.Озодов– Савдо-саноат палатаси Каттақўрғон шаҳар бўлими бошлиғи ,<br>М.Равшанов-шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи в.в.б |
| **10.** | **Нарх-наво бўйича *(Бозор, савдо комплекслари ҳамда йирик савдо нуқталари бўйича)*** | Аҳолини сифатли ва арзон асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда ммаҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари реализацияси учун деҳқон бозори ҳамда йирик савдо клмплексларидан савдо нуқталари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш.<br>“Деҳқон” МЧЖ ва унинг Ш.Рашидов филиалида | Июл-декабр | Ф.Ғаниев – Шаҳар Солиқ инспекцияси бошлиғи,<br>Ғ.Яшузаков–шаҳар Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти шаҳар бўлими бошлиғи, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | доимий равишда арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва барча турдаги маҳсулотлар ярмаркасини ташкил этиш.<br>Шаҳар аҳолисини сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиги ва саноат усулида қайта ишланган маҳсулот ва маҳаллийлаштирилган материаллар билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш.<br>Шаҳар ҳокимлиги хузуридаги “Озиқ овқат жамғармаси” томонидан ажратиладиган маблағларни тўлиқ аҳоли учун муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари заҳирасига йўналтириш орқали нарх-наво муътадиллигини сақлаш чораларини кўриш. | Июл-декабр<br>Июл-декабр<br>Июл-декабр | А.Шодиев – Шаҳар Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари,<br>Ғ.Зоиров-“Деҳқон” МЧЖ раиси |
| **11.** | **Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** | Аҳолига етказиб берилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш бўйича чораларни кўриш.<br>Шаҳар худудидига кириб келаётган сифатсиз, яроқлилик муддати ўтган ҳамда ишлаб чиқарувчиси номаълум истеъмол товарларини шаҳар аҳолисига норасмий сотилишини олдини олиш бўйича худудий солиқ, департамент, СЭОМ лар билан ҳамкорликда мунтазам равишда рейд тадбирларини олиб бориш.<br>Аҳолига кенг кўламли истеъмол маданияти ҳамда фуқароларни истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тарғиб қилувчи баннер, видео ролик каби тадбирларни ташкил этиш. | Июл-декабр | Шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти |
| **12.** | **Умумий** | Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг вилоятларга сафари давомида берилган топшириқлардан келиб чиқадиган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | Ҳар ой якуни билан раҳбариятга ахборот киритиб бориш | Н.Сунатов-Шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси |
| **13.** | **Умумий** | Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан келадиган ҳужжатларнинг ижросини ўз муддатида таъминлаш, мажмуада ижро ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш. | Июл-декабр | Н.Сунатов-Шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 14. | **Умумий** | Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш. | Июл-декабр | Н.Сунатов-Шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси |
| 15. | **Умумий** | Комплексга кирувчи ташкилотлар томонидан ижро ва меҳнат интизомига риоя этилишини мунтазам мониторинг қилиб бориш тизимини йўлга қўйиш, комплексга кирувчи ташкилот зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижро этилиши натижадорлигини мунтазам мониторинг қилиб бориш. | Йил давомида | Н.Сунатов-Шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси |
| 16. | **Умумий** | Шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган график асосида жойларда сайёр қабуллар ўтказиш. | Белгиланган вақтларда | Н.Сунатов-Шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси |
| 17. | **Умумий** | Ҳар чорак якуни билан Халқ депутатлари Шаҳар Кенгаши депутатлари олдида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар бериш. | Ҳар чорак якуни билан | Н.Сунатов-Шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси |

**Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари** **И.Маматов**